

## IMAGES OF "LOVE" IN THE GHAZALS OF JAFAR MUHAMMAD

Mehmon Narzikulov

Shahnoza Giyasova

Samarkand State University

mehmonnarzikulov@gmail.com +998915327703

### Annotation

In the ghazals of Jafar Muhammad (Jafar Kholmuminov) the themes of love are depicted and the love is turned into an object of relationship. In his ghazals, Jafar Muhammad expresses and describes the lyrical protagonist - the inner feelings and inner feelings of the lover.

using the art of analogy through expressions made with the participation of the word creates several images that we can call images of love. We conventionally divide these images into two types, images representing places of love and images representing the means of love.

Switch key

“Ghazal”, “city of love” (city of love),

“steppe of love” (steppe of love),

“council of love” (land of love),

“market of love” (market of love),

“branch of love” (branches of love),

“River of love” (sea of love),

“green city of love”

(the green city of love),

“the throne of love” (the throne of love) ,

“Tumor of love” (tumor of love),

“fiqh of love” (love fiqh),

“role of love” (role of love),

“Tahmtani ishq” (love Tahmtani).

Жаъфар Муҳаммад ўз ғазалларида лирик қаҳрамон – ошиқнинг ички кечинмалари, ботний ҳис-туйғуларини баён ва тавсиф этар экан, ушбу баён ва тавсифлашнинг тўла ва таъсирчан чиқишини таъминлаш мақсадида “ишқ” сўзи иштирокида ясалган иборалар воситасида ўхшатиш санъатини қўллаб биз **ишқ образлари** деб аташимиз мумкин бўлган бир неча образлар яратади. Биз ушбу образларни шартли равишда **ишқ маконларини билдирувчи образлар** ва **ишқ воситаларини билдирувчи образлар** каби икки турга бўламиз.

Маълумки “ишқ” сўзи иштирокидаги иборалар воситасида образлар яратиш мумтоз адабиётда ҳам, замонавий шеърятда ҳам кенг учрайди. Жумладан, Навоий ғазалларида “ишқ” сўзи иштирокида ясалган “ишқ дашти”, “ишқ саҳроси”, “ишқ олами”, “ишқ дарди”, “ишқ аҳли”, “ишқ мулки”, “ишқ султони”, “ишқ ўти”, “ишқ дарёси” каби қўплаб иборалар учрайди. Аммо бундай иборалар воситасида яратиладаган образларнинг ҳар бир шоир ижодида ўзига хос қўлланилиш ўринлари ва хусусиятларига эга эканлигини кўриш мумкин. Жаъфар Муҳаммад ғазалларида ҳам шоир томонидан яратилган ишқ образлари ўзига хос хусусиятларга ва бўёқларга эга. Масалан, шоирнинг қуйидаги байтларида “шаҳри ишқ” (*ишқ шаҳри*) ва “дашти ишқ” (*ишқ дашти*) иборалари аниқловчи вазифасида келаётган “ҳафт” (*етти*) ва “бепоён” сўзлари билан тўлдирилиб, “ҳафт шаҳри ишқ” (*ишқнинг етти*)

шаҳри) ва “дашти бепоёни ишқ” (*бепоён ишқ дашти*) иборалари воситасида янги образлар яратилади:

Дар *ҳафт шаҳри ишқ* яке дарбадар манам,  
Дардо, ки хайри халқи худо бар гадо намонд.

(*Мазмуни*: Етти ишқ шаҳрида биргина дарбадар менман, // Эйвоҳким худо халқининг гадога хайри қолмаган.)

Корвон гум кардаам дар *дашти бепоёни ишқ*,  
Корвону сорбону маҳмилу манзил кужост?

(*Мазмуни*: Бепоён ишқ даштида карвонни йўқотиб қўйганман, // Карвон қаерда-ю, сарбону тахтиравону манзил қаерда?)

Бунда “барча ишқ шаҳарлари”, “бутун ишқ олами” маъноларини англатувчи “ҳафт шаҳри ишқ” (*ишқнинг етти шаҳри*) ибораси “ишқ шаҳри” образидан бутунлай фарқ қиладиган янги образ яратса, “дашти бепоёни ишқ” (*бепоён ишқ дашти*) ибораси воситасида “ишқ дашти” образининг кучайтирилган, чуқурлаштирилган кўриниши яратилмоқда.

Шунингдек, Жаъфар Муҳаммад форсий шеърятда қўлланиладиган “хори ишқ” (*ишқ тикани*) образини янгича ўринда қўллай олган:

Дар кафи пойи дили мо *хори ишқи* ин жаҳон,  
Бо чунин аҳвол то манзил расидан мушқил аст.

(*Мазмуни*: Кўнглимиз оёғи кафтига бу дунё тикани кирибкетган,  
Бундай аҳволда манзилга етиб бориш мушқул.)

Бундан ташқари, шоир яратган ишқ образлари орасида “шўразори ишқ” (*ишқ шўртупроқ ери*), “шохсори ишқ” (*ишқ шохлари*), “боди сабойи ишқ” (*ишқ шаббодаси*), “нақши ишқ” (*ишқ нақши*), “Таҳмтани ишқ” (*ишқ Таҳмтани*) каби бошқа шоирлар ижодида кам қўлланиладиган ёки умуман қўлланилмаган образларни ҳам учратамиз.

Шоир “шўразори ишқ” (*ишқ шўртупроқ ери*) образини тасвирлаш орқали ўз ёрига етиша олмаган ошиқнинг ишқ дунёсини шўртупроқ ерга, ёрига етишишга бўлган умидларини эса ана шу шўртупроқ ерда етиштирилаётган ҳосилга ўхшатади:

Чй беҳосил ҳавас мепарварам дар *шўразори ишқ*,  
Зи нахли қоматат бигирифт бояд ҳосиле дигар.

(*Мазмуни*: Ишқнинг шўртупроқ ерида қандай ҳосилсиз ҳавас етиштирмоқдаман, // Қоматинг ниҳолидан бошқа бир ҳосил олмоқ керак.)

Шоирнинг бошқа бир байтида эса севгилиси йўлида интизор ошиқнинг орзу қушининг “ишқ шохига” кўниб тургани тасвирланади:

Як мурғи орзу дар *шохсори ишқ*,  
Хушболу пар нашуд, то Ту наёмади.

(*Мазмуни*: Ишқ шохига кўнган бир орзу қуши // Сен келмагунингга қадар парвоз қила олмади.)

“Ишқ шаббодаси” образи нафақат ошиққа ишқ диёрининг ёқимли ифорларини етказувчи, балки уни ушбу диёрга чорлагувчи сифатида намоён бўлади:

Ало, *боди сабойи ишқ*, ошиқро салойи ишқ,

Раҳо аз қайди қолабҳо, шабат хуш бод, ман рафтам!

(*Мазмуни*: Эй, ишқ шаббодаси, ошиқни чорловчи ишқ, // Қолиплар асоратидан қутулиш, тунинг хайрли бўлсин, мен кетдим.)

Қўйдаги байтда “дунё устун” юзасидан – инсон ҳаёти асоси, моҳиятидан ўчиб бораётган “ишқ нақши” тўғрисида сўз боради:

Андар сутуни даҳр намондааст *нақши ишқ*,

Эй нақши жовидон, зи дами тешаҳо биё.

(*Мазмуни: Дунё устунда ишқ нақши қолмаган,*

Эй абадий нақш, тешаларнинг тиғидан бу ёққа келгил.)

Шоир ўз севганига етишиш йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёр бўлган, кучли ва жасур “ишқ Таҳмтани”, яъни ишқ паҳлавони образини яратади:

Эй ёри баҳоройин, ойинайи ман мебош!

Ман *Таҳмтани ишқам*, Таҳминайи ман мебош!

(*Мазмуни: Эй баҳорсифат гўзал, менинг кўзгум бўлгил, // Мен ишқ Таҳмтанيمان, менинг Таҳминам бўлгил.*)

Жаъфар Муҳаммаднинг қадимий ва навқирон Шаҳрисабз шаҳрига бағишланган гўзал ғазалида эса ушбу шаҳар номига таяниб яратилган бутунлай янги ишқ образи – “шаҳри сабзи ишқ” (*ишқнинг яшил шаҳри*) образини кўрамиз:

Қасам ба Шаҳри Сабзи Ишқ, ёри монда дар Димишқ,

Дилам кашол мешавад: чи ҳол шуд, чи кор шуд?

(*Мазмуни: Ишқнинг Яшил Шаҳри ва Дамашқда қолиб кетган ёрга қасамки, // Кўнглим хавотирда: аҳволи қандай экан, не бўлди экан?*)

Кўриб турганимиздек, шоир Шаҳрисабзни “ишқнинг яшил шаҳри” деб атар экан, уни араб дунёсининг қадимий ва тарихий шаҳарларидан бири – Димишқ билан тенглаштиради.

Жаъфар Муҳаммад ғазаллари битта ёки бир неча мавзу билан чекланмайди. Унинг форс-тожик ва ўзбек тилларида яратилган шу азиз ва муқаддас ватан, унинг Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз каби турли шаҳарлари ва гўшаларига бағишланган, кишида ғурур ҳисси уйғотувчи ғазалларидан тортиб азалий байрамимиз Наврўз васфида ёзилган гўзал ғазалларигача, инсонлар ўртасидаги самимий муносабатлардан тортиб борлиқ ва ҳаёт сирларини очишга, уларнинг турли жиҳатларини кўрсатиб беришга бағишланган ғазалларигача Ишқ оҳанглари, унинг маҳзун ва қувончли манзаралари ҳамда Ишқнинг фақатгина Жаъфар ижодига хос бўлган образлари билан уйғунлашиб кетганлигини кузатиш мумкин. Ўзбек форсигўй шоири ғазалларини бошқалардан ажратиб турадиган муҳим хусусиятларидан бири ғазал жанрига киритилган модернизм кўринишидаги янгиликдир:

*Як боғ рангу бў* пазмон туро. Ва ман...

*Як села орзў* пазмон туро. Ва ман...

*Як сина изтироб, як себ ишқи ноб,*

*Як гўша чустучў* пазмон туро. Ва ман...

(*Мазмуни: Бир боғ ранг ва ҳид сени соғинмиш. Мен ҳам...*

Бир гала орзу сени соғинмиш. Мен ҳам...

Бир кўкрак изтироб, бир олма соф ишқ,

Бир бурчак изланиш сени соғинмиш. Мен ҳам...)

Ёки:

*Равзан. Нигоҳ. Занги дар. Ойна. Себ. Гул.*

*Оғўш. Бўса. Чашми тар. Ойна. Себ. Гул.*

*Лабханд. Ларза. Даст. Ҳино. Изтироби сурх.*

*Аз нўғи по ба фарқи сар. Ойна. Себ. Гул.*

(*Мазмуни: Туйнук. Нигоҳ. Эшик кўнғироғи. Кўзгу. Олма. Гул.*

*Оғуш. Ўпич. Намланган кўз. Кўзгу. Олма. Гул.*

Табассум. Титроқ. Қўл. Ҳино. Қизил изтироб.

Оёқнинг учидан бошнинг тепасигача. Кўзгу. Олма. Гул.)

Жаъфар Муҳаммад ғазалларидаги ишқ образлари шулар билангина чекланиб қолмайди. Ушбу шоир шеъриятида мумтоз ва замонавий шеъриятда кенг ишлатиладиган ишқ образларидан деярли барчасини учратиш мумкин. Фақатгина, юқорида айтиб ўтганимиздек, Жаъфар Муҳаммад ушбу образлардан ўзига хос усулда фойдаланишга ҳаракат қилади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Жаъфар Муҳаммад. “Ошиқи ишқ”. Маҷмӯаи шеър. Тошканд, Интишороти “YANGI NASHR”, 2011. С. 68
2. Жаъфар Муҳаммад. “Кўзгу ҳайрати”. Шеърий тўплам. Тошкент. “TAMADDUN”, 2010. 8 – б.
3. Жаъфар Муҳаммад. “Таҷаллӣ”. Маҷмӯаи шеър. Тошканд, Интишороти илмии давлатии “Доиратулмаорифи миллии Ўзбекистон”, 2008. С. 44.
4. Жаъфар Муҳаммад. “Мижғони офтоб”. Маҷмӯаи ашъор. Душанбе, Интишороти “Оли Сомон”, 1999. С. 55.
5. Нажмиддин Комилов. Нур шаҳри мадҳияси. / Жаъфар Муҳаммад. Кўзгу ҳайрати. – Т.: “Тамаддун”, 2010. – Б. 3-4.